



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ)
ВА
ОЛТОЙ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ)
ЎРТАСИДА
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

Низом асосида фаолият олиб борувчи олий таълим муассасаси, Тошкент давлат юридик университети (Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси) номидан ректор Хакимов Рахим Расулжонович ва Низом асосида фаолият олиб борувчи Олтой давлат университети номидан ректор Бочаров Сергей Николаевич (кейинги ўринларда — Иштирокчилар), Иштирокчилар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга интилиб, мазкур Англашув меморандуми доирасида қуйидагилар тўғрисида ўзаро англашувга эришдилар:

1-модда

Ҳамкорлик йўналишлари

Мазкур Англашув меморандуми доирасидаги ҳамкорлик, Иштирокчиларнинг молиявий имкониятлари ва улар жойлашган давлатларнинг қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тадбир ва дастурларни қамраб олиши керак:

- а) талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви;
- б) қўшма илмий-тадқиқот ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- в) тадқиқот фаолияти натижаларини биргаликда нашр этиш;
- г) ҳар қайси Иштирокчи томонидан ташкил этиладиган дарс, семинар, тренинг, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;
- д) тадқиқотчи, профессор-ўқитувчи, аспирант, докторант ва талабаларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш;

- е) ҳар қайси Иштирокчи томонидан ташкил этиладиган конференция, симпозиум, семинар, дарс ва тренинглари ишида қатнашиш;
- ж) илмий материаллар ва маълумотлар алмашинуви;
- з) Иштирокчилар ўртасида ўзаро келишилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар ва дастурлар.

2-модда

Ҳамкорлик шартлари

Мазкур меморандумга мувофиқ амалга ошириладиган ҳар бир аниқ дастур ва фаолият учун зарур бўлган бюджет, маълум бир дастур ёки фаолиятни амалга оширишдан олдин Иштирокчилар ўртасида ўзаро келишиб олинган бўлиши керак.

3-модда

Тадбир ва дастурларни амалга ошириш учун маъсул шахслар

Мазкур Англашув Меморандуми доирасида аниқ тадбир ёки дастурларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Иштирокчилар маъсул шахсларни тайинлайдилар.

4-модда

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Иштирокчиларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ҳар қандай нашр, ҳужжат ва/ёки лойиҳаларда Иштирокчиларнинг номи, логотипи ва/ёки расмий тимсолидан бошқа Иштирокчининг ёзма розилигини олдиндан олмасдан фойдаланиш тақиқланади.

5-модда

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Мазкур Англашув меморандумига ўзгартириш ва қўшимчалар Иштирокчиларнинг ўзаро келишуви асосида киритилиши мумкин. Мазкур

Англашув меморандумига киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур меморандумининг ажралмас қисми ҳисобланади ва алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади.

6-модда

Низоларни ҳал қилиш

Иштирокчилар ўртасида мазкур Англашув меморандумининг қоидаларини талқин қилиш, қўллаш ёки амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Иштирокчилар ўртасида маслаҳатлашув ёки музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7-модда

Бошқа қоидалар

Мазкур Англашув меморандуми Иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлик асосларини белгилайди ва ҳеч қандай ҳуқуқий мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

8-модда

Меморандумнинг кучга кириши, муддати ва бекор қилиниши

Мазкур Англашув меморандуми имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 5 (беш) йил давомида амал қилади.

Шундан сўнг, агар ҳеч бир Иштирокчи мазкур Англашув меморандумини бекор қилиш юзасидан бошқа Иштирокчини таклиф қилинган бекор қилиш кунидан камида 6 (олти) ой олдин ёзма равишда хабардор қилмаса, у автоматик равишда кейинги 5 (беш) йилга янгиланади.

Мазкур Англашув меморандумининг бекор қилиниши меморандумнинг амал қилиш муддати тугашидан олдин келишилган тадбирлар/амалга оширилаётган дастурларнинг бажарилишига таъсир кўрсатмайди.

Мазкур Англашув Меморандуми ҳар бир томон учун бир нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Тошкент давлат юридик
университети номидан
Ректор
Хақимов Р.Р.

Россия Федерацияси
Олтой давлат университети
номидан
Ректор
Бочаров С.Н.



Сана: 20.05.2021



Сана: 20.05.2021